

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИЯНМУРАТОВА ГУЛНОЗ ШЕРБУТАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИ

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна Ўзбекистон ёшларининг электорал маданияти.....	4
Жиянмуратова Гулноз Шербутаевна Электоральная культура молодёжи Узбекистана.....	25
Jiyanmuratova Gulnoz Sherbutaevna Electoral culture of youth of Uzbekistan.....	44
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИЯНМУРАТОВА ГУЛНОЗ ШЕРБУТАЕВНА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЭЛЕКТОРАЛ МАДАНИЯТИ

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Sots1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матибаев Тасполат Балтабаевич
социология фанлари доктори, профессор

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « _____ » кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ кuni таркатилди. (2020 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

А.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари номзоди, доцент

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий Семинар раиси, социология фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида электорал маданият ҳодисасини социологик тадқиқ этиш масалалари XX асрнинг ўрталаридан бошлаб тадқиқотчиларнинг эътиборини торта бошлади. Бунда сайловлар жараёни иштирокчиларининг нафақат сиёсий, балки ижтимоий ва фуқаролик позициясини намоён этиш хусусиятлари замонавий демократиянинг узвий белгиси сифатида қаралмоқда. Замонавий дунёнинг ижтимоий-сиёсий манзараси турли социал гуруҳлар, шу жумладан ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини акс эттирувчи ижтимоий-сиёсий қарашлари, билим ҳамда кўникмаларида ўз ифодасини топмоқда. Сайловлар тизимида шаклланган ижтимоий меъёрларнинг электорал маданият тараққиётига ўтказадиган таъсири ёшлар фаоллигини белгиловчи объектив зарурат сифатида юзага келмоқда.

Дунё тажрибасида электорал маданият масалалари ўрганилар экан, унинг ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни социологик, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий ва психологик жиҳатдан илмий тадқиқотларнинг мавзуси бўлиб қолмоқда. «Электорал (лотинча elector – овоз берувчи) маданият – бу сайловчи (сайловчилар)га хос маданият бўлиб¹, у индивиддаги мавжуд қадриятлар салоҳиятини демократик сайлов ҳуқуқлари меъёрлари билан бойитиш ва унинг ёрдамида ҳокимият бошқарув тизимини шакллантиришда сайловнинг асосий жараён эканлигини ҳис қилишга ундашдир».² Глобаллашган дунёда замонавий жамиятларнинг сиёсий харитада пайдо бўлиши, турли хил давлатчилик шакллариининг юзага келиши электорал маданиятнинг турли ижтимоий-сиёсий тизимлар муҳитидаги динамикасини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланган миллий электорал маданиятни юксалтириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. «Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга кўйишни талаб этмоқда».³ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»⁴ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада ёшлар электорал маданиятини социологик жиҳатдан

¹ Аҳмедов Д., Асадов Ш. Сайлов ҳуқуқига оид изоҳли луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 32 б.

² Князев С.Д. Очерки теории российского избирательного права. – Владивосток: Издательство Дальневосточного университета, 1999. – С. 249.

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 554.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тадқиқ этиш сайловчилар онги ва хулқ-атворининг ўзига хос жиҳатларини, электорал жараёнлар мазмуни ва динамикаси нуқтаи назаридан тасаввур этиш, самарали ижтимоий бошқарув механизмларини амалга оширишда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сонли «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларга мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» илмий тадқиқотлари дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Электорал маданият» атамаси XX асрнинг 90-йилларида илк бор социологик, фалсафий ва сиёсий фанларга мансуб адабиётларда учрай бошлади. Бу терминнинг илмий муомалага киритилганлигига 30 йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай тадқиқотчилар унга хали ҳам турлича ёндошиб, турли муносабат ва фикр билдириб келмоқдалар.

Муаммонинг ўрганилишида иккита бир-биридан кескин фарқ қилувчи сабабларни ажратиш мумкин: биринчиси, ижтимоий ва сиёсий фанлар тизимида етарлича ахборотлар манбаи ва илмий адабиётларнинг етишмаслиги ва иккинчиси, маданият атамасига нисбатан ҳаддан зиёд илмий таърифларнинг кўплиги. Шундай бўлса-да, электорал маданиятни сиёсий маданият негизида тадқиқ этиш анъанасини Г.Алмонд, П.Бурдьё, С.Верба, Ж.Дьюи, А.Токвиль, Ю.Хабермас, С.Хантингтон, И.Хейзинга асарларида учратамиз.

Сайлов жараёни ва у билан боғлиқ масалаларни Ғарб олимларидан Р.Арон, Б.Берельсон, Г.Госнелл, Э.Даунс, А.Кэмпбелл, П.Лазарсфельд, С.Липсет, А.Липхарт, М.Льюис-Бек, Ч.Мерриам, С.Райс, С.Роккан, Ж.Сартори, М.Фиориналарнинг тадқиқотларида ўрганилганлигига амин бўламиз.

Бугунги кунда россиялик олимлардан электорал маданият ижтимоий

фалсафа, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик фанлари доирасида Э.Я.Баталов, Е.В.Бушуева, Ю.А.Веденеев, К.С.Гаджиев, И.Н.Гомеров, С.Г.Кара-Мурза, В.С.Комаровский, А.В.Коршунов, А.М.Логинова, В.Т.Максимов, С.В.Назаренко, Д.Б.Орешкин, Д.Д.Орешкина, В.В.Сутирин, Р.Ф.Туровский, Г.В.Шешукова, С.А.Широбоков, социология соҳасида эса К.А.Литкина, О.С.Морозова, О.Г.Смирнова, Н.В.Тимошенколар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда мустиқиллик даврида жамият тараққиёти ва сиёсий ҳаётида демократик сайловларнинг тутган ўрни, фуқароларнинг сиёсий тафаккури ва маданиятини шакллантириш масалаларини тадқиқ этишда А.Бердишукуров, У.Муҳаммадиев, Х.Одилқориев, И.Саифназаров, Б.Тўйчиев, К.Умарова, А.Холбеков, Ш.Холматов, С.Чориев, Ш.Ғойибназаров, А.Ҳайдаров каби олимлар томонидан яратилган илмий монографиялар, мақолалар ва публицистик асарлар, шунингдек, ҳимоя қилинган докторлик ва номзодлик диссертацияларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон ёшлари ва уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, сиёсий фаоллиги ва маданияти масалалари Э.Бабамуратов, А.Жўраев, Б.Жўраев, С.Жўраев, Қ.Жўраев, Қ.Қуронбоев, З.Қодирова, М.Йўлдошев, М.Нишонев, Ф.Нишонова, Х.Саматов, Г.Туленова, Ш.Эрматов, каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида тадқиқ этилган.

Социология фани доирасида олимлардан М.Бекмуродов, А.Холбеков, Т.Матибаев, Р.Убайдуллаева, А.Юнусов, М.Ганиева, А.Умаров, А.Қаҳҳоров, Б.Фарфиев, А.Норбеков, Н.Латипова ва С.Отамуратовлар ўз илмий ишларида бевосита эмпирик социологик тадқиқотлар асосида ёшларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллиги билан боғлиқ бугунги кундаги долзарб муаммоларини ўрганиб келмоқдалар.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, ахлоқи, ижтимоий мўлжали муаммолари «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 1998 йилдан бошлаб мониторинг тадқиқоти доирасида ўрганиб келинади⁵.

Аммо, социологик жиҳатдан ёшларнинг электорал маданияти, унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, ниҳоят, бугунги кун Ўзбекистон ёшлари электорал маданиятини юксалтириш, электорал маданиятнинг ёшлар сиёсий ижтимоийлашувидаги ўрни ва роли конкрет социологик тадқиқотлар асосида тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ “Фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

⁵ Мазкур мутафаккирлар, олим ва тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ёшлари электорал маданиятининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш йўллари социологик асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий-сиёсий қарашларда электорал маданият тўғрисидаги тасаввурларнинг генезисини тадқиқ этиш ва унинг «ижтимоий танлов» тушунчаси билан ўзаро муносабатидаги корреляцияни асослаш;

структуравий функционал таҳлил асосида электорал маданиятнинг электорал фаолият кўринишида намоён бўлувчи таркибий элементининг функционал аҳамиятини очиқ бериш;

Ўзбекистон ёшлари электорал маданияти шаклланиши ва намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатувчи социомаданий омилларни тадқиқ этиш;

эмпирик социологик тадқиқотлар асосида Ўзбекистон ёшларининг сайловчи сифатидаги социал қиёфасини яратиш;

Ўзбекистон ёшларининг электорал маданиятини юксалтириш борасида илмий амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ёшларининг электорал маданияти олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистон ёшлари электорал маданиятини шакллантириш орқали уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш имкониятлари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда структуравий-функционал, тарихий-хронологик, тизимли, қиёсий таҳлил, сўров, контент-таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«электорал маданият» тушунчасининг электорал онг, электорал баҳо ҳамда электорал фаолият йиғиндисини ифодаловчи социологик дискурс сифатидаги мазмуни асосланган;

Ўзбекистон ёшларининг электорал маданиятида жамоавийлик, ворисийлик, ҳамжиҳатлик каби миллий ментал хусусиятларнинг устувор таъсири очиқ берилган;

ёшлар электорал маданиятининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш жиҳатлари ҳамда социологик портретидаги ўзгаришлар динамикасини белгилаб берувчи электорал компетентлик, электорал диспозиция ва электорал масъулият каби мезонлар асосланган ҳамда ҳар бир мезоннинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва ёшларга оид давлат сиёсати доирасидаги ислохотлар ёшлар электорал маданиятининг юксалиши, уларнинг партиявий идентиклиги, сайловларда ўз ролини ҳис қилиши омилларига кучли таъсир кўрсатиши асосланган;

Ўзбекистон ёшлари электорал маданиятининг фаол, конформистик ва пассив турлардан ташкил топган типологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ёшларининг электорал маданиятини ривожлантириш

дастури таклиф этилган ва сайловчи сифатидаги қиёфасини шакллантириш механизмлари аниқланган;

ёшлар электорал маданиятини юксалтиришда сиёсий, иқтисодий ва маънавий омиллар таъсирини оптималлаштириш бўйича тавсиялар берилган;

Ўзбекистон ёшлари электорал маданиятини давр ўзгаришлари негизида ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ёшлари электорал маданияти динамикасини прогнозлашнинг айрим тажрибалари давлат ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар ва ёшлар ташкилотларининг ҳаракат стратегиясини белгилаш омили сифатида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар ва назарий хулосалардан социология соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда илмий-услубий асос сифатида, шунингдек «Социология», «Сиёсий социология», «Электорал социология», «Маданият социологияси», «Ёшлар социологияси» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация иши материалларидан, ундаги хулоса, таклиф ҳамда натижалардан жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг электорал фаоллигини ошириш, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолиятида ёшлар масалаларига оид чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ўзбекистон ёшларининг электорал маданиятига оид тадқиқотлар натижалари асосида:

«электорал маданият» тушунчасининг электорал онг, электорал баҳо ҳамда электорал фаолият йиғиндисини ифодаловчи социологик дискурс сифатидаги мазмуни асослашга оид хулосаларидан Ўзбекистон Миллий университети «Социология» таълим йўналиши учун мўлжалланган «Социология» дарслигининг «Электорал социология» мавзусини ишлаб чиқишда ҳамда 5A210101 – «Социология» мутахассислиги учун «Электорал социология» ўқув курсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3990-сон маълумотномаси). Натижада талаба ёшларнинг сайловга оид билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, уларнинг «электорал маданият»га доир билимларини оширишга эришилган;

Ўзбекистон ёшларининг электорал маданиятида жамоавийлик, ворисийлик, ҳамжиҳатлик каби миллий ментал хусусиятларнинг устувор

таъсири очиб беришга оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга оид давлат Дастури ижросини таъминлаш бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан амалга оширилган Комплекс чора-тадбирлар дастурининг 4.5-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2019 йил 30 майдаги 01-27/411-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражасини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг савияси, таъсирчанлиги, амалий аҳамияти ортишига эришилган;

ёшлар электорал маданиятининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш жиҳатлари ҳамда социологик портретидаги ўзгаришлар динамикасини белгилаб берувчи электорал компетентлик, электорал диспозиция ва электорал масъулият каби мезонлари ҳамда ҳар бир мезоннинг кўрсаткичларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2018 йилда «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий кадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар» мавзусида ўтказилган социологик сўровда илк бор экспериментал тарзда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 20 майдаги 01-16/185-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ёшларининг социал қиёфасини янгича мазмунда кўриш, улар электорал маданиятининг миллий, ментал, минтақавий ва гендер хусусиятларини тадқиқ этишга оид методологияни ишлаб чиқишга эришилган;

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва ёшларга оид давлат сиёсати доирасидаги ислохотлар ёшлар электорал маданиятининг юксалиши, уларнинг партиявий идентиклиги, сайловларда ўз ролини ҳис қилиши омилларига кучли таъсир кўрсатишини асослашга оид хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгашининг 2019 йил II ярим йиллик учун мўлжалланган иш режасининг «Ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналиши» нинг 7.40-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил 20 ноябрдаги 04/13/5238-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини юксалтириш, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда сайловларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

Ўзбекистон ёшлари электорал маданиятининг фаол, конформистик ва пассив турлардан ташкил топган типологиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга оид давлат Дастури ижросини таъминлаш бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан амалга оширилган Комплекс чора-тадбирлар дастурининг

4.5-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг 2019 йил 30 майдаги 01-27/411-сон маълумотномаси). Натижада ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, талаба ва ўқувчи ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришда қаратилган тадбирларнинг самарадорлиги ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий (4 та халқаро ва 9 та республика) конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёшлар электорал маданиятини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «электорал маданият» тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ва функциялари, социологияда электорал хулқ-атвор моделлари типологиясининг ишлаб чиқилиши, электорал фаолиятнинг ёшлар сиёсий ижтимоийлашувига таъсири таснифлари тадқиқ этилган.

Электорал маданият ҳодисасини таърифлаш ва таҳлил этишда диссертант авваламбор «маданият» тушунчасига структуравий-функционализм вакиллари (Т.Парсонс, Р.Мертон) шунингдек, XX асрнинг таниқли мутафаккири Н.Смелзернинг бир хил турмуш тарзини ёқловчи инсоний қадриятлари, олам ҳақидаги қарашлари ва хулқ-атвор кодлари йиғиндиси сифатида маданиятга берган таърифининг электорал маданият ҳодисасини ўрганишдаги конструктив аҳамиятини асослаб берган⁶.

⁶ Қаранг: Смелзер Н. Социология. – М., 1994. – С. 41.

Электорал маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиши тарихини «сиёсий маданият» тушунчасининг илмий муомалага киритилиши ва уни бевосита сайловлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши даврдан бошлаб ўрганиш лозимлиги асосланган. Зеро, электорал маданият сиёсий маданиятнинг бир қисми ҳисобланиб, унинг сайловлар билан боғлиқ жиҳатларини қамраб олади. «Сиёсий маданият» атамасини илк мартаба XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И.Гердер ишлатган бўлсада, Г.Алмонд ва С.Верба ўзларининг «Фуқаролик маданияти» номли китобида (1963 й.) сиёсий маданият ҳодисасини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берганлиги таъкидланган.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида ижтимоий фанлар доирасида «электорал маданият» атамаси қўлланила бошлаши XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади. XXI аср бошларидан эса электорал маданият ҳодисасини чуқур таҳлил қилиш, ундаги минтақавий ўзига хослик жиҳатларини тадқиқ этишга уринишлар амалга оширилган. Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқот ишларида сиёсий маданият асосан бевосита сайловлар жараёни билан боғлиқ хулқ-атвор мисолида тадқиқ этилган бўлиб, шу кунгача сиёсий ва электорал маданият тушунчалари нисбати тадқиқ этилмаганлиги, хусусан электорал маданият ҳодисаси бўйича жиддий таҳлил этилган илмий ишлар ва адабиётлар деярли йўқ эканлиги қайд этилади.

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида электорал маданиятнинг сиёсий маданият ва фуқаролик маданияти билан ўхшаш талқинда, баъзида синоним ҳолатда ишлатилишини кўриш мумкин. Муаллиф томонидан бу тушунчалар таҳлили амалга оширилиб, уларнинг нисбатини куйидагича олиб қараш таклиф этилди: умумий (фуқаролик маданияти), хусусий (сиёсий маданият) ва конкрет (электорал маданият).

Сўнги йилларда чоп этилган илмий адабиётларда электорал маданиятга тадқиқотчилар томонидан кўплаб таърифлар берилмоқда. Хусусан, электорал маданият бўйича МДХ доирасида биринчи илмий иш муаллифи сиёсатшунос олим И.Н.Гомеров (1995 й.) фикрига кўра, «электорал маданият у ёки бу жамият маданиятида белгилар ёки белгилар тизими ёрдамида қайд қилинадиган, сақланадиган, узатиладиган ўзига хос элементларни намоён этувчи сиёсий сайловлар ҳақидаги билим, баҳо ва меъёрлар тизимидир»⁷.

Электорал маданиятни таърифлашда хилма-хиллик, яъни сайловлар жараёнини ўрганишга нисбатан ёндашувларнинг турли-туманлигига асосланишини таҳлил этиб, муаллиф ўз таърифида тадқиқотларнинг қайси фан доирасида ўтказилганига, ўтказилган макон (мамлакат ёки унда ҳукмрон сиёсий тузум) ва замонга (даврга) бевосита боғлиқ бўлишини асослайди.

Муаллиф электорал маданиятга таъриф беришда унинг субъектив даражаларини ҳисобга олиш муҳимлигини, хусусан шахс, ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, халқ ва ҳ.к. даражаларда электорал маданият турлича талқин

⁷ Гомеров И.Н. Электоральная культура: политологический анализ: Дис. ... докт. политол. наук. – Новосибирск, 1995. – С. 42-43.

этилиши орқали асослайди.

Электорал маданият ходисасига муаллиф томонидан қуйидагича таъриф берилди: «электорал маданият – шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг сиёсий билими, эътиқоди, қадриятлари ва манфаатларини рационал хис қилиш даражаси (электорал онг) ҳамда сайловлар жараёнида (шунингдек, бевосита сайловолди ва сайловдан кейинги) электорал онг асосида белгиланган ва йўналтирилган хулқ-атворлари (электорал фаолият) йиғиндисини ифодаловчи сиёсий маданият шаклидир».

Электорал маданиятнинг типологияси қуйидаги жиҳатларга асосланади: субъектив даражага кўра (шахс, гуруҳ ва умуман жамият); социал гуруҳ турига кўра (ёшлар, ишчилар, ҳарбийлар, кексалар ва ҳ.к.); худудий жойлашувга кўра (мамлакат, шаҳар, қишлоқ ва ҳ.к.); намоён бўлиш хусусиятларига кўра (фаол ёки пассив, либерал ёки муҳолиф, назоратли конформистик ва ҳ.к.); сиёсий тизимлар хусусиятига кўра (патриархал, таабалик (итоаткор), иштирок маданияти) ва ҳ.к.

Агар электорал маданият узоқ вақт латент ҳолатда бўлса, сайлов кампаниялари даврида унинг фаоллашиш даражаси кузатилади. Шунинг учун ҳам электорал маданиятни сайловлар даврида ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга. Электорал маданиятни тадқиқ этиш учун илгари сурилган уч компонентли (билиш, баҳолаш, хулқ-атвор) структурадан келиб чиқиб, уни тадқиқ этишда электорал компетентлик, масъулият ва фаолликдан ташкил топган тизим илгари сурилди. Шунингдек, тадқиқот ишида электорал маданиятнинг қуйидаги функциялари: интегратив, коммуникатив, регулятив, меъёрий, қадриятли, сиёсий ижтимоийлашган, тарбиявий, ворисийликни таъминловчи, модернизациялашув, идентиклик, мўлжалли ва мослашувчанликка асосланган шакллари ажратилган.

Ёшлар электорал маданиятини тадқиқ этишда унинг сиёсий ижтимоийлашув функцияси муҳим аҳамият касб этади, чунки у электорал маданият орқали сиёсий етук шахсни шакллантириш, яъни шахснинг жамиятда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини берувчи билим ва кўникмаларни қабул қилиши жараёнини ифодалайди. Аҳоли ёки маълум бир ижтимоий гуруҳнинг электорал маданияти типологиясини ишлаб чиқиш, авваламбор бунда бевосита уларнинг сайлов жараёнларидаги электорал хулқ-атворига эътибор қаратилиши табиий. Зеро, электорал маданият структурасида электорал хулқ-атвор компоненти муҳим ўрин тутиб, айнан ушбу компонент электорал маданиятнинг амалиётда қай тарзда намоён бўлишини белгилаб беради.

Электорал хулқ-атвор – сиёсий хулқ-атворнинг кенг тарқалган тури бўлиб, у шахслар ижтимоий сиёсий фаоллигининг мотивациялашган бир кўринишини ифодалайди. Фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиши, уларнинг ўзга сиёсий хулқ-атворлардан фарқли равишда сайловларда овоз бериш ёки қатнашишининг анъанавий хулқ-атвор хусусиятларини кўрсатиб беради. «Электорал хулқ-атвор – фуқароларнинг сиёсий сайловларни ўтказиш шароитларига мослашиш мақсадида амалга

ошириладиган реакцияси, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тизимидир»⁸.

Электорал хулқ-атворга нисбатан кўпчилик томонидан тан олинган ёндашувлар: социологик (П.Лазарсфельд, С.Липсет, С.Роккан ва бошқ.); ижтимоий психологик (Э.Кэмпбелл, Ф.Конверс, У.Миллер, Д.Стоукс ва бошқ.); рационал танлов назарияси (Э.Даунс, М.Фиорина); коммуникатив модель ёки когнитив ёндашув (Р.Харкфельд, Д.Спраг, Ж.Цаллер, М.Лож ва бошқ.)ларни қиёсий таҳлил этиш натижасида муаллиф қуйидаги хулосаларга келади: 1) электорал хулқ-атвор моделлари соф ҳолатда учрамайди, яъни ҳеч бир электорал хулқ-атвор ҳақида комплекс тасаввур пайдо қила олмайди; 2) шунинг учун бугунги кунда комплекс ёндашув асосида улардан интеграциялаштирган ҳолда фойдаланиш зарур; 3) комплекс ёндашув электорал хулқ-атворнинг ҳам объектив, ҳам субъектив омилларини бирга олиб қараш ҳамда электорал танловда омиллар иерархияси ва ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этиш имконини беради; 4) сиёсий тараққиётнинг турли даврларида турли омиллар устуворлиги кузатилади, шунинг учун кўп омилли детерминация ҳақида гапириш ўринли; 5) электорал маданият типологияси авваламбор, тадқиқот ўтказилаётган ҳудуд, муҳит, субъект, омил ва бошқа шу кабилардан келиб чиқиб амалга оширилади.

Электорал маданиятнинг асосий функцияларидан бири сифатида ижтимоийлашув функцияси ҳам ажратиб олинган экан, бу ижтимоийлашувнинг ҳар қайси мамлакатда амалдаги сиёсий тузум билан боғлиқ ҳолдаги сиёсий ижтимоийлашув кўриниши айниқса ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиши табиий. Сиёсий ижтимоийлашув кўп қиррали тушунча ва сиёсий жараён бўлиб, унинг таъсири муайян муддатда эмас, турли даврийлик оралиғида самара бера бошлайди. Бу икки омилга: аъзоларнинг қандай бўлиши ва албатта унга таъсир қилувчи агентларга боғлиқ.

Ёшлар бирламчи ва иккиламчи ижтимоийлашув оралиғида турган қатлам ҳисобланади. Сайловларда бевосита иштирок этиш орқали ёш сайловчиларда сиёсий ижтимоийлашувнинг адаптация (мослашув) ва идентификация жараёнлари амалга ошади. Диссертацияда бу борада қуйидаги хулосалар берилди: сиёсий ижтимоийлашув мазмунли, ҳар бир кишининг узоққа мўлжалланган мақсад ва манфаатлари, пировардида эса, миллатнинг истиқболини белгилашга хизмат қиладиган бўлса, уни ёшлар шунчалик тез қабул қилади ва унга нисбатан ижобий муносабат шаклланади, шунингдек, жамиятда демократик ислоҳотларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда асосий воситанинг шаклланишига олиб келади.

Диссертациянинг **«Ёшлар электорал маданияти шаклланиши хусусиятлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар»** деб номланган иккинчи бобида ёшлар электорал маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда бир қатор омиллар: ҳуқуқий, ахлоқий, маърифий ва моддий-иқтисодий, шунингдек, таълим тизими, ННТ, жумладан сиёсий партиялар,

⁸ Римский В.Л. Клиентелизм как фактор электорального поведения российских граждан // <http://www.democracy.ru.library>. [Дата обращения 22.11.2013 г.].

ёшлар ташкилотлари, маҳалла ва оила, шунингдек ОАВнинг ўрни ва роли билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Электорал маданият сиёсий маданиятнинг таркибий элементи бўлиш билан бир қаторда, ҳуқуқий маданият билан ҳам узвий боғлиқдир. Ушбу ҳолат диссертацияда қуйидагича асосланилган: биринчидан, электорал маданият ҳолати у ёки бу социумда белгиланган расмий ҳуқуқий элементлар билан шартланган; иккинчидан, электорал жараёнлар агентларига хос субъектив ҳуқуқ ҳолатидан келиб чиқади, учинчидан, электорал маданият жамиятдаги ҳуқуқий маданиятнинг етуклилиги билан аниқланади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» давлат томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини кўрсатибгина қолмасдан, ёшлар электорал маданиятини юксалтиришга эришиш борасидаги самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ислохотлари самарадорлиги сифатида бешта қонунни ўзида мужассамлаштирган Сайлов кодекси қабул қилинганлигини кўрсатиш мумкин.

Ахлоқий қарашлар, жамиятда шаклланган кадрлар тизими фуқароларнинг жамиятдаги сиёсий вазиятни баҳолашлари, бунда у ёки бу сиёсий жараён акторларининг ролини белгилашлари, уларнинг хатти-ҳаракатларига қандай баҳо беришларида ўз аксини намоён қилади, зеро инсон ўз хатти-ҳаракатларини мавжуд ахлоқ-одоб меъёрларига мослаштиради. Ахлоқий меъёрлар эса уларга амал қилувчиларнинг сиёсий жараёнлар ва уларнинг иштирокчиларини қандай қабул қилишини белгилаб беради. Индивид овоз бериш пайтида ўзининг ахлоқий тамойилларига таянади.

Сайловчилар электорал маданиятининг иқтисодий муносабатлар билан шартланганлиги диссертация ишида қуйидагича асосланади: биринчидан, электорал маданият сиёсий маданиятнинг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг иқтисодий вазияти билан белгиланади; иккинчидан, маълум бир социал гуруҳнинг электорал маданияти унинг моддий неъматларни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш механизмида эгаллаган ўрнига боғлиқ. Бу моддий эҳтиёжлар сайловчилар кайфиятида қандай ўрин эгаллашида намоён бўлади. Турли хил ўтиш даврларини ўтказиш, сурункали ўзгарувчан иқтисодиётга эга ва янги сиёсий тизим сифатида шаклланаётган жамиятларда фуқароларнинг салмоқли қисми электорал маданиятнинг моддий шартланганлик даражасини юқори кўрсаткичларда намоён қилади.

Диссертация ишида шунингдек ёшларнинг электорал маданиятини шакллантиришда таълим тизими, ННТ, маҳалла ва оила омилларининг аҳамияти тизимли таҳлил қилиниб, уларнинг ёрдамида аҳоли сиёсий онгини ўстиришда ушбу социал институтларнинг аҳамиятига эътибор қаратилган. Натижада қуйидаги хулосаларга келинди: 1) таълим тизими мамлакатда амалга ошириладиган бўлажак сайловчиларнинг ижтимоий қиёфасини

шакллантирувчи ёшларнинг сиёсий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди; 2) сиёсий партиялар жамиятда демократик сайловларнинг гарови ҳисобланиб, мамлакат ёшлари тимсолида ўз электорати захирасини кўради, шу маънода улар ёшларни ўз дастурларига содиқ қилиб тарбиялашдан манфаатдор бўлишлари лозим; 3) оила ҳамда маҳалла ёшларга электорал кўникма, эътиқод ва анъаналар, шулар асосида электорал хулқ-атвор намуналарини шакллантирувчи институтлар ҳисобланиб, айнан маҳаллада электорал онг оқсоқолларнинг ҳаёт тажрибаси, оилада катталарнинг шахсий намунаси ва умуман, жамоавий хулқ-атвор нормалари орқали бойиб боради.

Ахборотлашув ва глобаллашув даври деб эътироф этилган ушбу даврда ОАВнинг жамият ҳаётига таъсири кучли бўлиб, улар аудиториясининг аксарият қисмини айнан ёшлар ташкил этади, ёшларнинг электорал маданиятини шакллантиришда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш усул ва йўллари ишлаб чиқиш давр талабига айлантирилиши зарур.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шароитида ёшлар электорал маданиятини юксалтириш**» деб номланиб, унда эмпирик социологик тадқиқотларга⁹ асосланиб, ўзбекистонлик «ёш сайловчи»нинг социал қиёфаси ишлаб чиқилди, фуқаролик жамияти шароитида мамлакат ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги динамикаси тадқиқ этилди.

“Ёшлар сиёсий ижтимоийлашувида электорал маданиятнинг шаклланиши” деб номланган социологик тадқиқот (2018 йил) сўровномасида ёшларнинг электорал маданияти даражасини аниқлашга қаратилган уч хил мезон ва уларнинг кўрсаткичлари танлаб олинди:

- электорал компетентлик: сайлов қонунчилигини билиш; сиёсий партиялар, номзодлар дастурларини билиш; сайловлар ҳақида маълумот олиш манбалари;
- электорал диспозиция: сайлов, сайловолди жараёнлари ва натижаларига қизиқиш; сайлов, сайловолди жараёнлари ва натижаларини баҳолаш; ўз электорал фаолиятини баҳолаш; партиявий идентиклик;
- электорал масъулият: сайловларда иштирок этишга нисбатан ички интилиш; сайловларнинг аҳамиятини ҳис қилиш; сайловларда фаол иштирок этиш; сайловолди кампанияларида иштирок этиш.

Тадқиқот ишида ёшларнинг электорал маданияти уларнинг электорал

⁹ Диссертант томонидан икки маротаба социологик сўровнома ўтказилган бўлиб, улардан биринчиси 2010 йилнинг февраль-май ойларида Республикамининг олти худуди (Тошкент ва Нукус шаҳарлари, Андижон, Жиззах, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари)да 1116 нафар респондентдан ўтказилди, шундан 49,3% – эркак, 50,7% – аёлларни ташкил этди. Иккинчи сўровнома эса 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Республикамининг олти худуди (Тошкент ва Нукус шаҳарлари, Андижон, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари)да 675 нафар респондентдан ўтказилди, шундан 48% – эркак, 52% – аёлларни ташкил этди. Тадқиқотлар репрезентативлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳудудий ва социал-демографик хусусиятлари (турар жойи, жинси, ёши, миллати, маълумоти даражаси, бандлик ҳолати, оилавий аҳволи ва ҳ.к.), шунингдек, мамлакатимиз ёшлари структурасидан келиб чиқиб респондентлар танлови амалга оширилди.


компетентлиги мезони билан баҳолашга ҳаракат қилинди. Шу маънода, уларнинг электорал билими даражасини аниқлаш мақсадида, энг муҳим саволлар блоки шакллантирилди ва таҳлил қилинди. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топди. «Сизнингча, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари неча ёшдан сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади?», деган савол вариантыга қуйидаги тарзда тўғри жавоб вариантлари олинди: 18-22 ёш – 50,8%; 23-25 ёш – 60,3%, 26-30 ёш – 61,0%. Таҳлилларда: олий ва ўрта-махсус маълумотга эга бўлган ёшларнинг сайловларга оид билим даражаси юқори бўлса, ўрта маълумотли ёшларда мавзу юзасидан жуда ҳам кам ахборот ва маълумотга эга эканликлари маълум бўлди. Шунингдек, аёл респондентларнинг сайловларга оид билимлари эркак респондентларга нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди (шунга мос равишда 61,8% ва 56,3%). Қишлоқ, овул ва туманларда истиқомат қилувчи ёшлар шаҳарлик тенгдошларига нисбатан кўпроқ маълумотга эга эканлиги маълум бўлди (мос равишда 67,8% ва 54,7%).

Ёшлар электорал маданиятини аниқлашда уларнинг мамлакатда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ҳақидаги билимлари муҳим электорал компонент ҳисобланади. «Сиз мамлакатимизда фаолият юритадиган сиёсий партиялар тўғрисида маълумотга эгамисиз?» деган савол бу маънода ёшларнинг хабардорлиги даражасини аниқлаб берувчи асосий мезон қилиб олинди. Сўров натижаларининг кўрсатишича, респондентларнинг ёши ортиб бориши билан уларнинг тўлиқ ва қисман хабардорлиги ортиб бориши тенденцияси кузатилди (мос равишда 76,7%, 74,0% ва 69,0%), жинслар таснифида эса аёллар ва эркаклар хабардорлиги ўртасидаги фарқ деярли бир хил (мос равишда 66,9% ва 67,4%) эканлиги маълум бўлди.

Ҳудудий кесимда қишлоқ, овул, туман ёшларининг муаммо юзасидан тўлиқ маълумотга эгаллигини билдирган бўлса-да (мос равишда 38,3% ва 15,4%), назорат саволлари таҳлили уларнинг сиёсий партиялар фаолиятидан хабардорлик даражаси шаҳарда истиқомат қилувчи тенгдошларига нисбатан нисбатан пастроқ эканлигини кўрсатди. Умуман олганда, жаҳон амалиётида ҳам бундай тенденция кузатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бешинчи йигит-қиз мамлакатда фаолият юритаётган сиёсий партиялар сонидан беҳабар эканлиги маълум бўлди. Ёшларнинг деярли ҳар учтадан биттасининг энг оддий масалаларда ҳам сиёсий билим даражаси паст кўрсаткичларга эгаллиги эканлиги жиддий ташвиш уйғотади.


Маълумки, аҳолининг сайловларга қизиқиши ва унда фаол иштироки мамлакатда электорал маданиятнинг шаклланганлигини намоён этувчи жиҳат ҳисобланади. Электорал маданияти суръати юқори шаклланган шахслар ҳар қандай сайловлардаги иштирокни мажбурий ҳолат сифатида қарамай, унга ўз фуқаролик позициясини намоён этиш, жамият келажаги ва тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш имконияти сифатида баҳолайди. Шунга кўра, мамлакатда бўлиб ўтадиган сайловларга электорал қизиқиш даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқотда иштирок этган ёшларнинг ҳар учинчиси ушбу жараёнга «жуда қизиқиши»ни (36,62%), ҳар иккинчиси «қайсидир даражада қизиқиши»ни (49,55%) билдириб ўтган

(1-расм). Олий маълумотли ёшларда сайловга қизиқиш бошқа гуруҳларга нисбатан юқори кўрсаткичларни (52,7%) ифодалайди. Бу саволга биз юқоридагиларга нисбатан тескари пропорционал маълумотларни қўлга киритдик, унга кўра шаҳар ёшлари қишлоқларда истиқомат қилувчи тенгдошларига нисбатан, эркаклар эса аёллардан кўра кўпроқ сайлов жараёнларига қизиқишларини билдирганлар.



1-расм. Респондентларда сайлов жараёнларига қизиқишнинг маълумоти даражасига кўра тақсимоти, % ҳисобида


Диссертация ишида ёшларнинг партиявий идентиклик масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бунда «респондентларнинг сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаши»га оид савол билан муносабат этилди. Тадқиқотда иштирок этган ҳар учинчи ёш респондент «Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялардан ҳеч бирининг фаолиятини қўллаб-қувватламаслигини» маълум қилди. Шунингдек, респондентларнинг 29,3%и ЎзЛиДеПни, 16,1%и Адолат СДП, 12,4%и ЎзМТДП ва 7,1%и ХДПни қўллаб-қувватлаганлар (2-расм).



2-расм. Респондентларнинг сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаши, % ҳисобида

Ёшларнинг ўзлари қўллаб-қувватлаган партиялардан қайси бирига аъзолиги масаласида қўйилган саволга ҳар учинчи респондент «у ёки бу партияни қўллаб-қувватласа-да, унга аъзо бўлишни истамаслигини»

